



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1983 йил 21 июндан ЧИҚА БОШЛАГАН • № 253 (18.730). • Жума, 1983 йил 4 ноябрь • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI
СЪЕЗДИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ!

Оқ олтин жирмонига

Республика областларида пахта таъйинлашнинг
биринчи ўтгисида шу йил 3 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи ўстун — областлар; иккинчи ўстун — бир
қанда таъйинланган пахта; учинчи ўстун — мавсум боши-
дан бўён; тўртинчи ўстун — шу жумладан бир қанда
машинада терилган пахта; бешинчи ўстун — мавсум
бошидан бўён.

ХОРАЗМ	0,47	102,79	0,34	56,37
ҚАССР	0,80	96,52	0,80	66,48
Тошкент	0,89	94,71	0,53	80,28
Бухоро	0,68	84,44	0,03	8,07
Қашқадарё	1,12	80,05	1,12	50,77
Навоий	1,03	79,23	0,75	26,69
Самарқанд	1,20	78,28	1,58	36,01
Фарғона	0,81	73,79	0,07	8,43
Андижон	0,87	72,54	0,34	21,24
Сирдарё	0,77	72,32	0,30	59,53
Сурхондарё	0,80	72,21	0,59	38,34
Наманган	0,79	71,02	0,55	42,41
Жиззах	0,90	70,08	0,28	60,45

Республика бўйича: 0,86 79,67 0,56 42,93

Шу жумладан минггача тоналари пахта:

НАВОИЙ	2,46	122,33	2,72	68,44
СУРХОНДАРЕ	1,20	102,39	0,80	68,24
ҚАШҚАДАРЕ	1,68	101,80	1,44	65,91
Бухоро	1,47	85,27	—	—
Наманган	1,00	60,24	—	—
Республика бўйича:	1,41	101,56	0,91	63,05

Республика мамбуот маркази хабар қилади

УТГАН КУНИ РЕСПУБЛИКА ҚАБУЛ ПУНКТИЛА-
РИГА 51220 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 5750 ТОННА
ИНТИГАЧА ТОЛАЛИ ПАХТА ТОПШИРИЛДИ. 22007
ТОННА ХОМ АШЕ АГРЕГАТЛАР БУНКЕРИДАН
ТУКИЛДИ.

МАВСУМ ВОШИДАН БЕРИ 4724543 ТОННА,
ШУ ЖУМЛАДАН, 416408 ТОННА ИПАК ПАХТА
ТАЙЕРЛАНДИ. ШУНИНГ 1683525 ТОННАСИ МА-
ШИНАЛАР ЕРДАМИДА ТЕРИЛДИ.

ДАСТАВКИ МУВАФФАҚИЯТ

Урганч райони пахтакор-
лари қабул пунктларига 42460
тонна «оқ олтин» топишди,
дастлабки талабдан кўнра к-
ритилди. Мажмуд 10640 гек-
тар ернинг ҳар гектаридан 40
центнердан ҳосил йиғиштириб
олинди. Озунбобов номи,
Карл Маркс номи, «Комсо-
мол», Катинис номи, Ленин
номи, Энгелс номи, Чапаев
номи хўжаликларининг зару-
р нолари ҳосилдорлигини 42-
44 центнерга етказдилар.

Республика пахта ва жу-
куматининг Муроматига жа-
вобан-район миришкорлари
она-Ватанга яна 3500 тонна
«оқ олтин» етказиб берди.
Ҳосилдорлигини 45 центнерга
етказди. Хосилдорлиги 46 ми-
ни тоннага етказиб мажмури-
ни олдилар.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Уч йилдан бери Буйайда
район меҳнатқиллари Фарғона
областидagi районлар ўр-
тасида социалистик мусобақа
пешқадамлари бўлишмоқда.
Натижада улар КПСС Мар-
казий Комитети, СССР Министр-
лар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ
Марказий Комитетининг кўма-
қида байроғини кўнра кир-
тишди. Буйайдаликлар бу
йил ҳам зарбдорчилиги иш-
ламоқдалар. Район пахтакорлари
қабул пунктларига 40600 тонна
дурдона топишди ва об-
ластда биринчи бўлиб йиллик
плани бажаришди.

Миришкорларнинг аҳди ял-
пи пахта жирмонини 50 ми-
ни тоннага етказишдан иборат-
дир.

ОИЛАВИЙ ЭКИПАЖЛАР ХИРМОНИ

Қўриқ Нишон районида
йил сайин оилавий экипажлар
сони ортиб борапти. Бу йилги
мавсумда даладада ишлаёт-
ган 10 та оилавий экипажнинг
ичун билан 3 миң тонна «оқ
олтин» териб олинди. Улар
мусобақадда СССР 50 йилги
советнинг ака-ука Хол-

Пахта таъйинлаш планини
муддатидан илгари бажариш-
ликларини учун қўндаги район-
лар республика «Хурмат тах-
тасига» ёзмади:

Қўнғирот райони — район
партия комитетининг секретари
К. Абдулов, район ижроия
комитетининг раиси Р. С. Ма-
жидов, район агроасноат бир-
лашмаси кенгаширининг раиси
К. Ешмуратов, райолихотех-
ника бошқарувчисига Р. Отуе-
ли, район сув хўжалиги ишлаб
чиқариш бошқармасининг боши-
лиги Я. Абдуллаев, район
кишлоқ хўжалик ходимлари
касаба союзи комитетининг
раиси Д. Ражапов, район ком-
сомол комитетининг секретари
З. Айтхонов.

Шовот райони — район
партия комитетининг секретари
Р. Тоҳиров, район ижроия ко-
митетининг раиси О. Хайитбова,
район агроасноат бирлашмаси
кенгаширининг раиси П. Султо-
нов, райолихотехника бош-
қарувчисига А. Отамуратов, рай-
он сув хўжалиги ишлаб чиқа-
риш бошқармасининг бошилиги
А. Қурбонов, район кишлоқ
хўжалик ходимлари касаба со-
юзи комитетининг раиси М.
Отахонов, район комсомол
комитетининг секретари Р.
Жуманиёзов.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИДАН
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-
бекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Ко-
мпартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзе-
бекистон ССР Олий Советининг депутаты Сотволди Усмо-
нов. Эргашев 1983 йил 3 ноябрь кўни 58 ёшида вафот
этганини ҳаққу қабул билан маълум қилади.

ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Бузрукович УСМОНХЎЖАЕВ



Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев 1930 йил
21 майда Фарғона области Бағдод районининг
Бағдод қишлоғида туғилган. Ўзбек.
Олий маълумоти: 1955 йилда Тошкент поли-
техника институтини тамомлаган.
1958 йилдан КПСС аъзоси. Партия XXVI
съездида КПСС Марказий Комитети аъзо-
лигига сайланган. Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитетининг аъзоси. СССР Олий Совети-
нинг депутаты, Ўзбекистон ССР Олий Советининг
депутати. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган
бинокор.
1955 йилдан бошлаб «Ферганаводстрой» трес-
тида инженер, трестнинг қурилиш участкасининг
бошлиги, Марғилон шаҳрининг бош архите-
ктори бўлиб ишлаган. 1960—1965 йиллар мобайни-
да области партия комитетининг инструктори, кол-
хозларда қурилиш ишлари области бошқармаси-
нинг бошлиги, «Сельхозтехника» области бир-
лашмаси раисининг ўринбосари, Фарғона шаҳар
ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган.
1965 йилдан бошлаб Ўзбекистон Компартияси
Сирдарё области комитети секретари, 1969 йил-
дан эса КПСС Марказий Комитетининг ташики-
лий-партиявий ишлар бўлими инструктори бўлиб
ишлаган. 1972—1974 йилларда Наманган области
ижроия комитети раиси, 1974—1978 йилларда Ўз-
бекистон Компартияси Андижон области комите-
тининг биринчи секретари бўлди. 1978 йил де-
кабридан — Ўзбекистон ССР Олий Совети Прези-
диуми Раисининг ўринбосари.
Ленин ордени, Октябрь Революцияси, иккита
Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орден-
лари ва медал билан тақдирланган.

В. И. ДОЛГИХНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

Тошкентга келган КПСС
Марказий Комитети Сийсий
бюроси аъзолигига кандидат,
КПСС Марказий Комитети-
нинг секретари В. И. Дол-
гих 3 ноябрда Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко-
митети бюросининг аъзола-
ри ва аъзолигига кандидат-
лари билан, области партия
комитетларининг биринчи
секретарлари, Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети
Раисининг ўринбосарлари,
области ижроия комитетла-
рининг раислари билан уч-
рашди. КПСС Марказий Ко-
митетининг 1982 йил но-
ябрь, 1983 йил июнь Пле-
нумлари қарорлари, КПСС
Марказий Комитети Бош
секретари, СССР Олий Со-
вети Президиуми Раиси
Ю. В. Андроповнинг жур-
сатмалари қандай амалга
ошириляётганлиги билан
боғлиқ масалалар ҳусусида
қўнбат бўлиб ўтди.
Хозирги мураккаб ҳалқ-
аро вазиятда беш йиллик
нинг учинчи йили учун бел-
гиланган планлар ва қабул
қилинган социалистик маж-
буриятларни сўзсиз бажари-
лиш республика партия таши-
килотининг биринчи галдаги
вазифаси эканлиги таъкид-
ланди. 6 миллион тонна пах-
та, бошқа деҳқончилик ва
чорвачилик маҳсулотлари-
ни йиғиштириб олиш ва дав-
латга топиширини таъминла-
ш — Ўзбекистон комму-
нистларининг барча меҳнат-
қашларининг энг муҳим бур-
чидир.
Капитал қурилишга, уй-
жойларни, ишлаб чиқариш
объектларини ўз вақтида
ишга туширишга, лойиҳалаш
ва қурилиш ишларининг си-
фатига алоҳида эътибор бе-
рилди. Халқ истеъмол мол-
лари ишлаб чиқаришни кў-
пайтириш, маиший хизмат-
ни, савдо-сотиқни, умумий
овқатланишни, транспорт
иштини тақомиллаштириш,
аҳолининг талаб ва эҳтиё-
жини тўла-тўқис қондириш,
меҳнатқаш инсонга ҳамма
қудайликларни яратиб бе-
риш учун барча резервлар-
ни ишга солиш зарурлиги
ўқтириб ўтди.
Республика партия таши-
коти меҳнат ва давлат инти-
зомини мустаҳкамлаш,
ижтимоий ишлаб чиқа-
ришнинг ҳамма соҳалари-
да зарур тартиб ўрнат-
тиш учун қўшимча чора-
лар кўриши, моддий ресурс-
ларни йўтуғри сарфлашга
қарши қатъиян курашиши,
ишлаб чиқариш қувватлари-
дан тўлиқ фойдаланишга,
айниқса, ёқил, электр энер-
гия, нефть маҳсулотларидан

Совет космонавтикасининг улкан ютуғи

ТАСС АХБОРОТИ

Экипаж маъсулиятли ва
мураккаб монтаж ишларини
бошқариш марказининг му-
тахассислари билан қалин
ҳажорликда бажарди. Бун-
да экипаж қилаётган ишлар
учун олдиндан Ю. А. Гага-
рин номидаги космонавтлар
тайёрлаш марказидаги вазн-
сизлик шаронига тақлидан
ишланган гидрокасеяда
пишиқтирилганди. Оқиқ кос-

мосга чиқиш жараёнида эса
синовчилар космонавтлар-
нинг иш графига мувофиқ
гидрокасеяда шу ишни
тасвирлашди.
Экипажнинг икки марта
чиқиш мобайнида оқиқ кос-
мосда бўлиш умумий вақти
5 соат 45 минутни ташкил
қилди.
Экипаж муваффақиятли
бажарган ишлар натижада
станциянинг электр билан

таъминлаш системасининг
қуввати ортиди. Бу нарс а
иш-техник тадқиқотлар ва
экспериментлар программа-
сини анча кенгайтиришга
имкон беради.
Экипаж оқиқ космос ша-
ронларига мураккаб ва қи-
йин ишларни бажарётгани-
да скафандрларнинг юзта
пухталити тасдиқланди. Улар
станциядан ташқарида бў-
лиш ва ишлаш учун нормал

шароитларни таъминлаб
турди.
Космонавтлар Ляхов би-
лан Александров ўзтаган
монтаж-йиғу операцияларини
космик шароитларда йирик
габаритли конструкциялар-
ни йиғиш борасида ишлаб
чиқилган технологиянинг ис-
тиқболлигини, шунингдек,
қабул қилинган конструк-
тив ечимлар ва иш бажари-
лиш методлари тўғрилигини
тасдиқлади.
Космосда муваффақиятли
амалга оширилган нобэк-
сперимент Ватан фани ва
техникасининг янги ютуғи,
Улуз Октябрь социалистик
революциясининг 66 йилли-
ги арафасида Ватанга қи-
лингана яна бир совғадир.

Район, шаҳар партия комитети ҳисоб беради...
Бу — комитет секретарларининг, бўлим му-
дирларининг ҳисоботи эмас. Утган конферен-
цияда район ёки шаҳарнинг энг муносиб киши-
лари сайлаб қўйилган коллектив раҳбарлигининг
ваколатли органи ҳисоб беради. Хўш, сайлаб қў-
йилган кишилар ўз зиммаларига юклатилган ва-
зифаларин қандай бажардилар! Уларнинг ҳам-
малари ҳам ташаббускорлик қилдиларми! Аҳли-
ли билан ишладиларми! Бу гап ҳам коммунист-
лар район ва шаҳар комитетларининг янги сос-
тавини тузишда мана шуни эътиборга оладилар.
Конференция — узоқ йўлни юзгунча эмас,
шу билан бирга янги йўлни бошланғич ҳам-
дир. Қўндаги Октябрь Чакирини партия ходим-
ларига, сайлаб қўйилган активларга, барча ком-
мунистларга илҳом беради:

КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ.
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НОЯБРЬ ВА ИЮНЬ
ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ
БАЖАРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ ҚУРАШИННИНГ
ОЛДИНГИ САФИДА БЎЛИНГИЗИ!

«ПРАВДА» газетасининг 3 ноябрдаги бош
мақоласи.

РАЙОН ВА ШАҲАР КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Партия ташиклотларига ҳисобот ва сайлов
давомида. Хозир бу муҳим сиёсий калапи-
ни янги даврга кирмоқда — район ва шаҳар
конференциялари бошланмоқда. КПСС XXVI
съезидан кейин ўтказилаётган бу биринчи кон-
ференциялар съезд қарорлари, шунингдек озқ-
овкат ва энергетика программалар, партия Мар-
казий Комитети 1982 йил май ва ноябрь, 1983
йил июнь Пленумларининг йўл-йўриқлари қан-
дай бажариляётганини батафсил кўриб чиқиш
керак.

Конференциялар ўн биринчи беш йиллик ре-
жаларини амалга ошириш учун курашининг мас-
улиятли босқичида ўтказилмоқда. Беш йиллик
нинг учинчи — марказий йили тугай деб қолди.
Қўнра район ва шаҳарлардан меҳнатдаги ақо-
иёб зафарлар ҳақида хўшбаҳарлар келиб турб-
ди. Иқтисодий кўрсаткичлар ахширилиб бориш-
дан иборат умумий тенденция сезилиб туриб-
ди. Бунда маҳаллий партия комитетларининг
хизмати ҳам бор, албатта. Аммо, ҳамма жойда
ҳам беш йиллик топишларини қўнрайдиган
бажаришмоқда, деб бўлмайди. Ютуқларга инми-
лар асос бўлмоқда. Муваффақиятсизликларнинг
сабаблари нима! Мажмуд инсоният ва резерв-
ларнинг тўлиқроқ фойдаланишга қандай қилиш
эришиш мумкин! Коммунистлар қилинган иш
эруларини ва келажакдаги вазифаларини муҳ-
кама қилиётганлигида бу масалалар биринчи гал-
даги масалалар бўлади.

Партия раҳбарлигининг асосий бўликлари бўли-
миш КПСС район ва шаҳар комитетлари бево-
сита жойларда партия сийсатини, унинг голлари
ва режаларини амалий равишда рўйга чиқариш
учун масулдилар: Ҳисобот-сайлов конферен-
цияларининг характери эришилган натижаларга

ташқийди ёндашиш, янги юксак мақсадларга ин-
тилиш қайфияти билан белгиланиши керак. Ҳар
бир партия комитетининг ишн бугунги катта ва
мураккаб вазифаларга тўла-тўқис мувофиқ кели-
ши ёки келмаслигини, у узоқлик ва тартибни
ҳамма жойда мустаҳкамлаш йўлини нақадар
омилкорлик билан ўтказётганини сиқиқлаб
таҳлил этиш муҳимдир.

Дабдабали галларга берилмай, ишчи кўнлаш
раҳбарлигининг самарадорлигини таъминлаш
омилидир. Район ва шаҳар партия комитетлари-
нинг иш услуби ва методларини янги шў пози-
цияларда туриб анализ қилиш лозим. Базан
уларнинг ходимлари на уйқун, на дам олишни
билмай кўндан кўп тадбирларни ташкил этав-
гандек, кўндан кўп мажлис ва кенгашлар ўтказ-
ётгандек, дамба-дам қарорларнинг лойиҳалари-
ни тайёрлаётгандек кўнра ҳам, бу тадбирлар-
дан сезиларли натижа чиқмайди. Бунинг сабаби
шунки, ҳалиги «юғуриб-елишлар» одамлар билан
жонли ташиклотчилик ишн ўтказиш учун вақт
қолдирмайди, натижада эса кўп қарорлар қозо-
гда қолиб кетаверади.

Қарорларни ташлаш, жой-жойига қўйиш ва тар-
биялаш, қарорларнинг ижросини текшириш прак-
тиқасини пухта муҳокама қилиш керак. Бунда бу-
тун диққат-эътиборни партия, давлат ва меҳнат
интизомининг ҳолатига, интизомин кучайтириш
юзсидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқишга ка-
ратилиши лозим. Камчиликларини очиб ташлаш,
бу камчиликларга йўл қўйилганлиги учун айбдор
кишиларнинг номларини айтиш, аҳолини туза-
тишни талаб қилиш — конференциялар делегат-
ларининг бурчидир.

ЧУҚУР ТАЪЗИЯНОМАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ НОМИГА ТИНИМСИЗ КЕЛАЁТГАН ТЕЛЕГРАММА ВА ХАТЛАРДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ БИЛАН СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАНИҚЛИ АРБОБИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети оғир жудлик — Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғуларини билдиради.

Ш. Р. Рашидовнинг вафоти ҳақидаги қайғули, хабар уни ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қурилиши улуг ишига бағишлаган оташин ватанпарвар ва интернационалист деб билган Озарбайжоннинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари қалбига оғир қайғу солди. Шароф Рашидовнинг ҳаёт йўли гоят ёрқин ва бой эди. Деҳқон, қишлоқ ўқитувчиси — ёшлар мураббийси, журналисти, Совет Армиясининг комсомол ва партия ходими, Ватан озодлиги учун олиб борилган жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган шонли жангчи эди у. Унинг табиий ақли, куч-ғайрати, мислиси қобилияти республика ёзувчилар ташкилотига раҳбарлик қилган йилларда, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси юксак лавозимда тўла намоён бўлди. Шароф Рашидович Рашидов деярлик чорак аср давомда то ўз умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон партия ташкилотига бошчилик қилди. У ўзининг бутун маънавий ва jismoniy кучини, ўзига хос башариятнинг принципларини ва матонатини, ташкилотчилик истеъдодини партия билан давлат сийосатини амалга оширишга, халққа хизмат қилишга бағишлади. Унинг тинимсиз партия, давлат ва жамоат фаолияти, марксизм-ленинизм идеалларига чекис садоқати, одамларни янгилаштириш ва уюштириш биллиши, иқтисодий, социал ва маданий қурилишнинг мураккаб масалаларини ижодий ҳал этиш маҳорати туфайли у барча совет кишилари сингари Озарбайжон меҳнаткашларининг чуқур миннатдорчилиги, иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Озарбайжон меҳнаткашлари Ш. Р. Рашидовнинг Совет Ўзбекистонини равақ топтириш, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини ривожлантириш ишига қўшган ҳиссасини юксак қадриятлади. Озарбайжон дидарида Шароф Рашидов билан бўлиб ўтган учрашувлар, унинг меҳнаткашлар ишлари билан гоят қизиқарлиги, республика зафарларидан астойдил қувонганини хотирамида чуқур сақлаб қолди. Илгир тажрибанинг чинакам маънаси бўлиб қолган республикамизнинг пахтакорлари социалистик муносабатини ташкил этиш ташаббускорларидан бири эди у.

Озарбайжон коммунистлари, бутун халқи ўзбек халқи билан биргаликда чуқур қайғуда, ҳаммаиз учун азиз бўлган Шароф Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиغا, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ва Министрлар Советига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига самимий таъзиялар изҳор этади.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, гоят дилнак инсон — Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади.

Марҳумнинг қариндошлари ва ёру биродарларига самимий ҳамдардчилигини тоштираёйиз.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети
Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми
Озарбайжон ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Молдавия коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, таниқли совет ёзувчиси ва публицисти, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг тўсатдан вафоти этганлиги ҳақидаги оғир хабарни чуқур қайғу билан эшитди.

Шароф Рашидович Рашидов Коммунистик партия юбонган барча участкаларда Ватанга, совет халқига зўр садоқат билан хизмат қилди, истеъдодли партия ва совет раҳбарига ҳо аjoyиб фазилатларини кўрсатди. Юксак партиявий масъулият ҳисси, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, янгиликни кўра биллиш ва қўллаб-қувватлаш маҳорати, партия ва давлат турмуши масалаларини ижодий ҳал қилиш, одамларни янгилаштириш ва уюштириш маҳорати унга ҳо хусусиятлар эди. Шароф Рашидович партия ишига, коммунизм ишига содиқлиги билан обур-этибдор ва ҳаммамнинг ҳурматини қозонди.

Молдавия коммунистлари, бутун халқи Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист — Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотирасини қалбларидан ҳаммаиз сақлайди.

Молдавия Компартияси Марказий Комитети
Молдавия ССР Олий Совети Президиуми
Молдавия ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Латвия Компартияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, республиканинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан эшитди.

Партиямиз ва давлатимиз Ш. Р. Рашидов сиймосида ўзининг атоқли арбобидан, чекис содиқ коммунист қурилиши улуг ишига бағишлади. Оташ ватанпарвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидов ўзбек ва латвия халқлари ўртасида, ягона улуг социалистик Ватанимиздаги барча қардош халқлар ўртасида дўстликни ривожлантириш ва ҳар томонлама муносабатларни кўп куч ва ғайратни бағишлаганини республикамизнинг ҳар бир коммунистга, барча меҳнаткашларига яхши маълум.

Коммунизмнинг порлоқ идеаллари учун актив курашчи, Совет Латвиясининг самимий дўсти Ш. Р. Рашидов хотираси қалбимизда мангу сақланиб қолади.

Латвия ССРнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан чуқур таъзиямизни қабул қилгайсиз. Марҳумнинг қариндошларига ва ёру биродарларига самимий ҳамдардчилигини етказишингизни илтимос қиламиз.

Латвия Компартияси Марказий Комитети
Латвия ССР Олий Совети Президиуми
Латвия ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидов

роси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти хусусида чуқур қайғурангиларини билдиради ва қардош Ўзбекистон партия ташкилотига, барча меҳнаткашларига, марҳумнинг қариндошларига ва ёру биродарларига таъзия изҳор этади.

Ўзининг бутун кучи, биллими ва истеъдодини коммунистик қурилиш улуг ишига бағишлаган ленинчи коммунистни, оташин интернационалистни ўлим ораминдан олиб кетди.

Партия билан халқнинг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети
Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми
Тожикистон ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Арманистон Компартияси Марказий Комитети, Арманистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ш. Р. Рашидов ўзининг бутун онгли ҳаётини, куч-ғайрати, биллими, бой тажрибасини, катта ташкилотчилик истеъдодини социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга, қардош Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга бағишлади. Ш. Р. Рашидов деярлик чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, шу юксак лавозимда ўзини йирин раҳбар сифатида кўрсатди. Унинг фаолиятида партиявий принципларни ва талабчанлиги, республикани янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишга ижодий ёндашми, одамларга нисбатан сезир ва меҳрибон бўлиб бир-бири билан уйғунлашиб кетган эди. Шу давр ичида Ўзбекистон ҳўжалиги ва маданий қурилишда жуда катта муваффақиятларга эришти. Шу ютуқларини ҳаммасида Ш. Р. Рашидовнинг хизматлари каттадир.

Совет Арманистон меҳнаткашлари Шароф Рашидович Рашидовнинг коммунизм ишига чекис содиқ инсон, қардош республиканинг аjoyиб раҳбари, юксак маданият, улкан қалб соҳиб ва дилнак, моҳир ёзувчи ва публицист, оташин ватанпарвар ва интернационалист, совет халқлари ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга кўп куч сарфлаган, халқлар дўстлигининг эҳтиросли курашини сифатида яхши билардилар ва гоят ҳурмат қилардилар.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Марҳумнинг оиласига ва ишдаги ўртоқларига чуқур таъзиямизни етказишингизни илтимос қиламиз.

Арманистон Компартияси Марказий Комитети
Арманистон ССР Олий Совети Президиуми
Арманистон ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Виз, Туркистоннинг кека большевиклари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, партиямизнинг таниқли арбоби, унутилмас Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганини эшитиб чуқур қайғу чекмоқдамиз.

Шу оғир жудлик муносабати билан астойдил ҳамдардлик изҳор этамиз. Визга, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш қатнашчиларига унинг меҳрибонлиги ва эътиборли муносабатини эслаймиз ва ҳеч қачон ёлдан чиқармаймиз. Ш. Р. Рашидовнинг оиласига ва ёру биродарларига самимий ҳамдардчилигини етказишингизни сўраймиз.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти қосидаги кека большевиклар Туркистон секциясининг бюроси — К. Кулиев, Н. Муродов, Л. Айрапетов, Р. Зельянский, А. Русаков.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, атоқли давлат арбоби ва аjoyиб ёзувчи Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти сабабли сизлар билан бирга қайғурамыз.

Шароф Рашидовнинг бутун умри ва фаолияти, унинг ижоди совет халқининг, жонажон Ўзбекистоннинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эди. У жуда катта партия ва давлат иши билан доимо банд бўлишга қарамай, адабий ижодкорлик учун вақт топар, ўз ўртоқлари — ёзувчиларга эътибор ва меҳрибонлик қилар, кўп миллатли совет адабиётининг гоийиб-бадий савиясини ошириш ишига кўп куч ва ғайрат сарфлар эди. У гамжўр ва сезир ўртоқ эди, одамларга меҳрибон эди. Унинг беҳосдан вафот этганлиги — совет халқи ва социалистик адабиётимиз учун оғир жудликдир.

Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Г. Марков, Ю. Верченко, В. Озеров, С. Сартаков, С. Михалков, А. Чакоский, Е. Исаев, О. Шестинский, Н. Федоренко, К. Селихов, Ю. Воронов, С. Баруздин, В. Карпов.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Композиторлар союзи правленийсининг секретари, барча совет бастакорлари оғир жудлик — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғурамоқдам.

Совет Ўзбекистонининг экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришган жуда катта муваффақиятлари Шароф Рашидовнинг номи билан боғланган. Совет халқи содиқ ленинчи, таниқли партия ва давлат арбоби, оташин ватанпарвар-интернационалист инсондан, кўп миллатли совет адабиётини бойитган атоқли ўзбек ёзувчисидан жудо бўлди.

Шароф Рашидович Рашидов ўзбек социалистик маданиятини барпо этишда доимо эътибор бериб келди, миллий музика санъатини янада ривожлантириш ишига жуда катта ҳисса қўшди.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ номи қалбимизда абадий яшайди.

СССР Композиторлар союзи правленийсининг биринчи секретари

Т. ХРЕННИКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Архитекторлар союзининг Минск шаҳрида ўтган олтинчи пленуми қатнашчилари Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидов

тетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур алам ва қайғу изҳор этилмоқда.

вич Рашидовнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Унинг порлоқ хотираси совет архитекторларининг қалбига доимо сақланиб қолади.

Пленум қатнашчилари топширигига биноан
СССР Архитекторлар союзи правленийсининг секретари

А. ПОЛЯНСКИЙ,

Ю. ГНЕДОВСКИЙ,

Г. ИЛЬИНСКИЙ,

А. РЯБУШИН,

Ю. ПОТАПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистическая индустрия» газетаси редакцияси коллецияси, бутун коллектив Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзияларини изҳор этади.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист бўлган Шароф Рашидович Рашидов ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қурилиши улуг ишига бағишлади. Ўзбекистон коммунистлари шу оғир жудлик олдига ўз сафарларини янада маҳкамроқ жипслатиришларига, бундан бун ҳам КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлиб қолдишларига қатъий аминмиз.

Бош редактор

В. ГОЛУБЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

«Сельская жизнь» газетаси редакцияси Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, азиз Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг бош редактори

А. ХАРЛАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлигининг коллецияси, оғир индустрия қурувчиларининг кўпнинг кишилик коллектив КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан эшитди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, марҳумнинг қариндошлари ва ёру биродарларига самимий таъзия изҳор этамиз. Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди — Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳаммаиз сақланади.

СССР оғир индустрия корхоналари қурилиши министри

Н. ГОЛДИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Қизил Байроқ орденли Киев ҳарбий округининг Ҳарбий Кенгаши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан бутун шахсий сасат номидан чуқур таъзия билдирам.

Виз Шароф Рашидович Рашидовнинг таниқли партия ва давлат арбоби, Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист, юксак меҳнатчи сифатида биламиз.

Шароф Рашидович Рашидов хотираси қалбларимизда ҳаммаиз сақланиб қолади.

Марҳумнинг оиласига ва ёру биродарларига таъзиямизни етказишингизни илтимос қиламиз.

Қизил Байроқ орденли Киев ҳарбий округининг кўмонданлиги

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Владимир область партия комитети ва область ижроия комитети оғир жудлик — Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти хусусида чуқур таъзия изҳор этади.

Владимирликлар Ноҳоратупроқ ўлка қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш ва ривожлантиришда Шароф Рашидовичнинг шахсан эътибор ва ёрдам берганлигини доимо сезиб турадилар. Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳаммаиз сақланиб қолади.

КПСС Владимир область комитетининг биринчи секретари

М. ПОНОМАРЕВ.

Область ижроия комитетининг раиси

Т. СУШКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Мари АССР коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти хусусида чуқур қайғу билдиради.

Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

Марҳумнинг қариндошларига ва ёру биродарларига самимий таъзиямизни етказишингизни сўраймиз.

КПСС Мари область комитетининг биринчи секретари

Г. ПОСИБЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Чита область комитети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан эшитди.

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари оғир жудлик аламини сизлар билан бирга кечирмоқдалар. Шароф Рашидовнинг қариндошларига ва ёру биродарларига самимий таъзия изҳор этамиз.

КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари

М. МАТАФОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидовнинг тўсатдан вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан эшитди.

Оғир жудликнинг бутун аламини республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари билан кечирган ҳолда сизга, марҳумнинг оиласига ўзимизнинг энг самимий таъзиямизни йўлаймиз.

КПСС Ульяновск область комитети
Ульяновск область ижроия комитети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Биз Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, Вьетнам халқининг самимий ва яқин дўсти, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг вафот этганлиги ҳақидаги хабарни зўр қайғу билан эшитдик.

Шароф Рашидович ўзининг бутун умрини партиянинг улуг ишига, СССРда коммунистик қурилишга бағишлади. Унинг Ўзбекистон ССРни ривожлантириш ишдаги хизматлари жуда каттадир. У

